

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ШАРҚШУНОСЛИК ИНСТИТУТИ

ХОРИЖИЙ ШАРҚ МАМЛАКАТЛАРИ АДАБИЁТИ КАФЕДРАСИ

Реферат

МАВЗУ: “Миср драматургияси”

Бажарди: араб филологияси 4-курс талабаси

Юсупова Зиёда.

Қабул қилди: кат. ўқитувчи Саидова Н

Тошкент-2015

МИСР ДРАМАТУРГИЯСИ

Араб Шарқида театр Ғарбда бўлгани сингари унчалик чуқур илдизларга эга эмас. Араб театри 19 асрнинг иккинчи ярмида пайдо бўлган бўлиб, дастлабки босқичда тақлидий характерга эга эди. 19 асрнинг охири 20 асрнинг бошларида авж олган миллий озодлик ҳаракати театрнинг ҳам жиддий ўсишига, тараққиётига тurtки берди. Бу даврга келиб задогонларнинг уйларида, тўйларида сахна асарларини қўйувчи сайёҳ актерларнинг кўп сонли труппалари пайдо бўлди. Гоҳида кўчаларнинг ўзидаёқ оддий, содда томошалар қўйилиб, аксарият ҳолларда уларнинг қаҳрамони қишлоқ оқсоқоллари бўларди. Лақма бойвача эр, рашкчи ошиқ, унинг гўзал маъшуқаси ва уларни танқид қиладиган, ўзини тақводор қилиб кўрсатадиган аслоида эса риёкор шахслар масҳара қилинди. Шу билан бирга бир қатор профессионал труппалар ҳам фаолият юрита бошлади. Улар асосан Мольер, Расин, Корнел сингари европа адибларининг мусиқий комедия, мелодрамаларини араб томошабинлари дидига мослаб қайта ишлаб сахналаштиришар эдилар. Кўпинча бу адибларнинг асарларидаги қаҳрамонларнинг исми ўзгартирилар, жой номлари араб мамлакатларига кўчарди ва баъзан мазмуни ҳам ўзгартириладирди, мусиқаларининг ўрнига араб қўшиқ ва мусиқалари киритилар эди. Лекин бу сахна кўринишларининг ҳаммаси ҳам бадиият талабаларига тўлиқ жавоб бера олмади. Уларда кўпинча ўткир ижтимоий-сиёсий муаммолар назардан четда қолар эди. Бироқ бу асарлар эндигина тетапоё қилиб келаётган адабиётчилар учун мактаб бўлди десак муболаға бўлмайди. Чунки улар сахна маҳоратини, драматик санъат асосларини ўзлаштирдилар, амалиётда синаб кўрдилар, иккинчи томондан, миср жамоатчилигида қизиқиш ва театрга муҳаббат уйғотдилар.

30-йилларнинг бошларида миср театри нафақат сахналаштириш, режиссура, актёрлик маҳорати борасида, балки санъат тури сифатида ҳам кенг жамоатчилик олдида ўз мавқеига эга бўлди. Театрлаштирилган спектакллар мунтазам равишда матбуотда муҳокама ва таҳрир қилина бошланди, бу санъат турига бағишланган махсус журналлар чоп этиш йўлга

қўйилди. Ҳукумат ҳам театрга катта эътибор қарата бошлади – энг яхши пьесалар учун мукофотлар таъсис этилди, иқтидорли ёш актёрлар театр санъати борасида таҳсил олишлари учун Европанинг кўзга кўринган олий ўқув юртларига юборила бошланди.

1930 йилда Миср театр санъати мактаби ташкил этилди, бироқ бир неча йил ўтгач бу мактаб ҳукумат томонидан ёпиб қўйилади. Бу мақабни тамомлаб улгурган ёш актёр ва режиссёрлар кейинчалик миср театр маданиятининг юксалишида ўзларининг салмоқли ҳиссаларини қўшдилар.

1935 йилда Тауфиқ ал-Ҳакимнинг “Ғорда яшовчилар” номли пьесаси намоёниши билан Миллий театр давлат труппасининг биринчи сезони очилади. Бу пайтда Миллий театр директори шоир ва драматург Халил Мутран эди.

Таъкидлаш жоизки, адабий драматургия ва унинг турли жанрларини асосчиси сифатида шубҳасиз Тауфиқ ал-Ҳаким эътироф этилади. Эндигина ривожланаётган театр тобора миллий драматургияни ташкил этилишини талаб қиларди. Биринчи миллий драматург сифатида ҳам Тауфиқ ал-Ҳаким тан олинади. Адибнинг ижодининг бу соҳадаги ўрнини характерлаб Махмуд Амин аль-Амин шундай деб ёзган эди: “Бизнинг насрдаги драматургиямиз Тауфиқ ал-Ҳакимдан бошланган ва у ҳозирда ҳам араб драматургиясининг шохсупасида турибди десак муболаға бўлмайди”. Тауфиқ ал-Ҳакимнинг ўзи драматургиясини икки қисмга бўлади: биринчиси, “ижтимоий театр” бўлиб, бу қисмга ўзининг замонавий воқелик акс этган реалистик услубда ёзилган пьесаларини киритади; иккинчиси, “интеллектуал” ёки “тафаккур театри” бўлиб, бу қисм умуминсоний фалсафий масалаларни рамзий образларда акс эттирувчи пьесаларини қамраб олади.

“Ғорда яшовчилар” пьесасида Тауфиқ ал-Ҳаким инсон ва вақтнинг ўзаро алоқаси масаласини талқин қилади ва инсон ҳаётининг қадри у жисмонан неча йил умр кўрганида эмас, унинг бошқа инсонлар ва атрофидаги олам билан бўлган муносабатларнинг аҳамияти билан ўлчанишини таъкидлайди. Бу фикр пьесадаги асосий уч инсон образнинг

дунёқариши воситасида очиб берилади. Булардан бири Ямлих исмли чўпон бўлиб, у ўзининг подасини йўқотиб қўйгач яшашдан мақсади йўқолади ғорга қайтади; иккинчиси Марнуш – оила бошлиғи бўлиб, у 60 йил бирга яшаган ўғли ва хотини аслида бу оламдан ўтганларига уч аср бўлганлигини билиб қолади ва тушкунликка тушиб ғорда яшашни ихтиёр этади. Энг қийин тақдир Машилиннга насиб қилади. У қачонлардир ҳукмронлик қилган золим шохнинг Приска исмли қизини яхши кўради ва ҳозирги шохнинг қизи исми ҳам Приска бўлган ва ҳар томонлама уни эслатувчи қизга уйланади. Бирок оқибатда бу қиз унинг невараси бўлиб чиқади. Бу аччиқ ҳақиқатга чидай олмаган Машилин ўлимни афзал билади. Тауфик аль-Ҳаким ўзининг ҳаётий қадриятлар занжирини қуради. Бу занжирининг энг юқори халқасида муҳаббатни, кейингисида оила ришталарини ва энг охиригисида моддий қадриятларни жойлаштиради. Пьесада Ишқ муқаддас туйғу сифатида кўрсатилган бўлиб, Машилинни севиб қолган Приска, унинг ортидан ғорга кетади ва ўзини тириклайин кўмади.

“Ғорда яшаётганлар” пьесасида руҳий иккиланиш, “юррак ва ақл кураши”нинг илдизлари кўзга ташланади. Бежиз Тауфик ал Ҳакимни “метяший писатель” деб аташмаган.

Агар Тауфик ал-Ҳаким пьесаларининг ёзилиш хронологиясини кузатадиган бўлсак, унда адибнинг фалсафий театри реалистик йўналишдаги насри ва драматургияси билан параллел равишда ривожланганлигини гувоҳи бўламиз. Уларнинг орасида ҳеч қандай “танаффус” бўлмаган. Адибнинг “Ғорда яшовчилар” ва “Шаҳризода” фалсафий драмалари унинг “Руҳнинг қайтиши” номли реалистик романи ва “Свирельшик (Бурғаловчи)” (1928-1933) ижтимоий-маиший комедияси, “Ақлсизлик дарёси” рамзий пьесаси (1935) ва “Бизнинг гўзал зотимиз” номли маиший комедияси билан деярли бир вақтда ёзилди. 1937 йилда Тауфик ал-Ҳакимнинг замонавий жамият мавзусидаги ва фалсафий драмалари жамланган иккита пьесалар тўплами нашрдан чиқади.

Тауфиқ ал-Ҳакимнинг Франция сафаригача ёзилган пьесалари шакл ва мазмун жиҳатдан ўша пайтда Мисрдаги анъанавий мусикали комедиядан деярли фарқ қилмаган. Кейинчилаик ёзувчи бу даврдаги ижодига жуда танқидий баҳо беради.

“Янги аёл” комедияси узок даврлар мобайнида араб адабиётида етакчи масала бўлиб келган шарқ аёлининг жамиятдаги, оиладаги ўрни, унинг таълим олиш ҳуқуқи каби масалаларга бағишланган. Бу сингари масалалар Миср матбуотида 19 асрнинг охирлариданок кўтарила бошланган эди. Аёллар ҳаракати 1919 йилги қўзғолондан кейин янада кучайган эди; Миср ва бошқа қатор араб давлатларида бир қанча аёллар журнали, ташкилотлари аёлларнинг мамлакат ижтимоий ҳаётида иштирок этиши ва чодирини ташлаши ҳақидаги талаблар билан чиқадилар.

Тауфиқ ал-Ҳаким пьесаларида умуман ижобий аёл образи йўқ. Унинг қаҳрамонлари (ёзувчи нуқтаи назаридан қараганда) идеал характер эгалари. Масалан “Жаннатдан кетиш” ёки “Ҳурматли депутат хоним” номли мелодармаларида оиласи олдидаги бурчини англаб сиёсий карьерасидан воз кечган аёл образи тасвирланса, “Ўғри” пьесасида эриннинг ёмон хулқини, хатти ҳаракатларини билсада унга фарзандининг отаси сифатида қараб содик қоладиган аёл образи, ёки ўзининг турмуш ўртоғи билан ҳаётнинг турли қийинчиликларини бирга енгиб ўтишга тайёр унинг қизи образлари гавдалантирилади. Жуфти ҳалоли билан машаққатларни енгиб ўтиш мавзуси “Барча учун озиқ” номли адибнинг бошқа бир пьесасида ҳам кўтарилади. Шу билан бир қаторда Тауфиқ ал-Ҳакимнинг “Доно Сулаймон”, “Изида”, “Ҳайратланган султон” номли фалсафий драмаларида ҳам идеал аёл образлари яратилади.

Ижтимоий пьесаларида Тауфиқ ал-Ҳаким аёллар масаласидан анчайин чекланади. Балки адибнинг ижтимоий асарларда жамиятнинг барча жабҳасига тааллуқли муаммоларни эмас, балки аҳамиятсиздек туюлган айрим муаммоларгина кўтарилиши мумкин деган нотўғри тушунча таъсири остида бўлганлиги учундир.

Ҳажвий сатирик комедия йўналишида ёзилган энг сара пьесаларидан бири сифатида Тауфиқ ал-Ҳакимнинг “Иродали инсон” пьеси эътироф этилади. Асар қаҳрамони Солихбек парламентда молиявий ҳайъат бошлиғи бўлиб, у юксак ахлоқий принципларга эга шахс сифатида талқин қилинади. У ўзининг мактабдош дўсти Абдал Баром-поша билан учрашиб қолади. Абдал Баром-поша бу вақтда жуда бой савдогар даражасига етган бўлиб, дўстидан ҳукумат билан битим тузишида ёрдам беришини сўрайди ва эвазига пора таклиф қилади. Бироқ Солихбек унинг бу таклифини рад қилади. Баром-поша наҳотки бундай ахлоқий хусусиятларга эга одам шундай катта давлат лавозимда ишлаши мумкин деган савол ажаблантиради. Чунки унинг мамлакатада одатда ҳукумат вакиллари порахўр, лаганбардор, йирикрок ўлжани қўлга киритиш илинжида юришларини биларди. Солихбекни бу хислати учун уни ҳатто ўз оиласидагилари ҳам қўллаб қувватламайдилар. Унинг қизи ва хотини “сизнинг шу характерингиз туфайли биз чақа санаб зўрға кун кўраяпмиз” деб нолишса, ўғли “мен ҳеч қачон сиздақа ахлоқ бўлмайман, карьера қиламан ва албатта бойиб кетаман” деб ҳисоблайди. Бечора Солихбек ахийри сабри тугайди ва “Бир ўзим ёлғиз қолсам ҳам майли бироқ чекинмайман!...” деб ҳайқирганича ўз уйидан бош олиб чиқиб кетади. деган тушунчага эга эди.

50-йиллар ўрталаригага бўлган даврда Тауфиқ ал Ҳаким томонидан антик мавзудаги учта пьесаси дунё юзини кўради. Булар: “Пракса ёки ҳокимият муаммоси” (1939), “Пигмалион” (1942), “Шоҳ Эдип”.

Адиб томонидан сиёсий ва ижтимоий мавзуларда 40 га яқин пьеса ёзилган бўлиб, булар кейинчалик “Тауфиқ ал Ҳакимнинг 1937 йилги пьесалари тўплами”, “Жамоатчилик театри” (1950), “Театр” (1954) номли тўпламларга киритилган. Буларнинг кўпчилиги бир актли комедия, трагикомедия бўлиб, реалистик ёки рамзий руҳда ёзилган.

Тауфиқ ал Ҳакимнинг бу соҳага қўшган ҳиссаси энг аввало унинг драматургияни санъат тури сифатида юқори поғонага олиб чиқишида

кўринади. У туфайли драматик жанрлар роман, повест, новелла сингари бошқа адабий жанрлар қаторидан ўрин олди ва етакчи мавқени эгаллади.

Париждалик чоғида Тауфиқ ал Ҳаким “Клеопатра ўлими” шеърий трагедияси устида иш олиб бораётган Ахмад Шавқий билан танишади. Бу йирик мисрлик ёзувчи билан бўлган танишув Тауфиқ ал Ҳакимга унинг драматургия соҳасидаги ижодига янги йўналиш ва туртки берди.

Ахмад Шавқий миср шеърий драмасининг асосчисидир. Миср жамиятининг саводли қисмини драмани адабий-бадий матн сифатида қабул қилишида унинг роли бекиёсдир. 1893 йилда Шавқий “Комеди Франсез” номли француз трагедиясининг кучли таъсирида “Али бей ал Кабир” номли трагедиясини ёзади ва Коҳирага жўнатади. Бироқ бу трагедия адиб кутган муваффақиятни бермади. Шундан кейин Шавқий фақат 20-йилларининг ўрталарида бу соҳага қайтади. Умрининг сўнгги 5 йилида Шавқий тарихий мавзудаги 4 шеърий ва 1 та насрий пьесаларини яратади. Булар: “Клеопатра ўлими” (1927), “Мажнун ва Лайло” (1931), “Камбиз” (1931) “Антара” (1932) ва “Андаллус маликаси” (1932), шунингдек замонавий мавзуда “Хода хоним” номли шеърий комедиясини яратади.

Ўзининг тарихий асарлари сюжетини Шавқий турли манбалардан олади. Масалан, “Клеопатра ўлими” шеърий пьесасининг қаҳрамони ақлли ва мағрур Клеопатраниннг ҳатти ҳаракатлари, шунингдек Антонийнинг хиёнати, Мисрни Рим ҳукмдорлигидан озод қилишдек ватанпарварлик ғоялари билан йўғрилган. Зиддиятнинг кескинлашуви қаҳрамонларнинг ҳалокатига олиб келади. Гарча Клеопатра ва Антоний бир бирларини севсаларда, уларнинг ҳар бири ўз мамлакатининг манфатталрини ҳимоя қилади.

“Камбиз” трагедиясида эса ватанпарварлик мавзуси биринчи планга чиқади ва севги муҳаббат мавзусини иккинчи ўринга сиқиб чиқаради. Асар сюжети фиравн Амазисдан қасос олиш васият қилиб қолдирилган ва бу васиятни бажариш учун киришган Камбиз ҳақидаги ривоятдан олинган. Камбиз васиятни бажариш учун Нититас исмли бир қизни ўзининг қизи

сифатида кўрсатиб Амазисга узатади. Нитисас, ўз хоҳишига кўра бу келишувга рози бўлади ва ватанини кутқариш учун ўзини қурбон қилади. “Камбиз” Шавқийнинг пьесалари орасида ўзининг драматизмга бойлиги билан ажралиб туради.

“Мажнун ва Лайли” пьесаси юсак муҳаббат фоженаси ҳақида бўлиб, кабилавий турмуш тарзи билан бўлган зиддият туфайли ҳалок бўлган севишганлар қисматидан ҳикоя қилади.

1960 йилларнинг бошларида Луис Авад яқиндагина новеллалар ёзиш билан ижодини бошлаган ёш ижодкорларнинг драматургияга берилиб кетаётгани кузатар экан шундай ёзади: “Бизнинг новелла тушунарсиз тараққий этмоқда... Ўз ижодларини новеллада бошлаган кўпгина ёшлар гўё муқаррар ҳалокатдан қутқарувчи халоскор кучни кўргандек новеллистикани ташлаб драматургияга кўчиб ўтдилар”

Театр соҳасидаги жонланиш, драматургияга қизиқиш энг аввало инқилобдан кейинги йиллардаги жамоатчилик кайфияти билан чамбарчас боғлиқдир.

Театр ҳаракатини ассосчиларидан бири Нуъмон Ашурнинг гувоҳлик беришича, кескин ижтимоий, сиёсий ва инсоний муаммоларни сахнага олиб чиқиш зарурати ҳар қачонгиданда кўра сезилди. Театр 20 йилларда бўлгани сингари яна жамоатчилик диққат марказида бўлди, драматургнинг томошабин билан мулоқот майдонига айланди.

Адабиёт ва сахна ўрттасидаги алоқани мустаҳкамлаш, драмани реал ҳаётга яқинлаштириш заруратини нафақат ёш адабиётчилар балки катта авлод ҳам ҳис қилди.

Тауфиқ алҲаким, 40-йилларда чоп этган “Ижтимоий театр” тўпламидаёқ юзага келган янги вазиятга ўз муносабатини билдирган эди. Отахон драматург ўзининг “Нафис кўллар” комедиясида меҳнатни олий инсоний қадрият сифатида улуғлади ва сахнага ҳукуматдаги мансабидан ажралиб қолгач иш излашга мажбур бўлган задогон образин олиб чиқди. “Ас Сафка” комедиясида эса бошқа дунёга тушиб қолган фаллохлар образини

яратади. Пьеса қаҳрамонлари содда бироқ тадбиркор, ўзгарувчин бироқ ўзларининг манфаттлари йўлида ўжар ва собит инсонлардир. Кичкина қишлоқ аҳолиси ёш деҳқон қиз Мабруканинг айёрлиги ва удабуронлиги туфайли ҳосилдор ерга эга бўлишга муваффақ бўлади. Комедия фаллоҳларни руҳлантирувчи чақириқ билан тугайди.

Романнавислар ўтган даврни сарҳисоб қилаётган бир вақтда, драматургия завонавийликка юз тутди, жамиятдаги ўзгаришларга пешвоз чиқди.

Бу давр театр намояндаларининг асосий қисмини ўрта табақа зиёлилардан чиққан миср университети битирувчилари ташкил этди. 1944 йил, яъни илк очилгандан кейин орадан 14 йил ўтиб, Театр санъат институти қайта очилди ва 1947 йилда биринчи битирувчиларни чиқарди. Актерлик ва режисёрлик факультетларининг талабалари ўқишларини шу йўналишдаги Европа институтларида тамомлаб келдилар. 1950 йилда Заки Тулаймот бошчилигида труппа ташкил этилди ва улар замонавий таржима ва оригинал пьесаларни сахнага олиб чиқдилар.